

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН  
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МУЛЛАХАНОВ ЖАВЛОН БАХТИЯРОВИЧ**

**ТЕРИ АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРИНИ ТАШХИСЛАШДА  
ИММУНОГЕНЕТИК, БИОКИМЁВИЙ ВА МИКРОБИОЛОГИК  
МАРКЕРЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА  
УСУЛЛАРИ**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)**

**Муллаханов Жавлон Бахтиярович**

Тери алергик касалликларини ташхислашда иммуногенетик, биокимёвий,  
ва микробиологик маркерлари ҳамда уларни  
даволаш ва профилактика усуллари ..... 5

**Муллаханов Жавлон Бахтиярович**

Иммуногенетические, биохимические и микробиологические  
маркеры диагностики аллергических заболеваний кожи и  
методы их терапии и профилактики ..... 34

**Mullakhanov Javlon Bakhtiyarovich**

Immunogenetic, biochemical and microbiological markers  
for the diagnosis of allergic skin diseases and methods of their  
therapy and prevention..... 62

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....66

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН  
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МУЛЛАХАНОВ ЖАВЛОН БАХТИЯРОВИЧ**

**ТЕРИ АЛЛЕРГИК КАССАЛИКЛАРИНИ ТАШХИСЛАШДА  
ИММУНОГЕНЕТИК, БИОКИМЁВИЙ ВА МИКРОБИОЛОГИК  
МАРКЕРЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА  
УСУЛЛАРИ**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Tib513 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Мавлянова Шахноза Закировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Вайсов Адхамжон Шавкатович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Арифов Саидкасим Саидазимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Гильдиева Маргарита Сабировна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:**

**Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**  
**“Омск давлат тиббиёт университети” федерал**  
**давлат бюджет таълим муассасаси**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223 уй. Тел./факс: (+99871) 262–33-14, e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: (+99871) 262–33-14).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**К.Н. Хаитов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Д.И. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда тери аллергик касалликлари аҳоли орасида, айниқса болаларда кўпайиши билан XXI асрда глобал муаммо бўлиб турибди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра “...тарқалиши бўйича аллергия дунёда юрак-қон томир ва онкологик касалликлардан кейин 3 ўринда туради ва 2050 йилга бориб турли хил аллергозлардан сайёрамиздаги аҳолининг аксарияти азият чекади, бунда аллергенга ҳар қандай модда кириши мумкин, XXI аср эса аллергиялар даври бўлади...”<sup>1</sup>. Теридаги касалликни ҳудудларнинг иқлимий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда тарқалиши, мультиомиллиги, клиник намоён бўлишининг полиморфизми, тез-тез қайталаниши, сурункали кечиши, асоратли шаклларининг ривожланиши ушбу муаммоларни ўрганиш ўта долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда тери аллергик касалликларини ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларига бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар алоҳида эътибор қасб этмоқда. Касалликнинг юқори суръатда ўсишининг давом этиши авваламбор инсон организмга замонавий тараққиётнинг иммунодепрессив таъсири билан боғлиқ. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши, юқори радиация фонида иммунодепрессантларни, кенг таъсир доирага эга антибиотикларни тиббиётда қўллаш ва шу каби омиллар одамда табиий ҳимоя механизмларини заифлаштириб, терида аллергик касалликлар ривожланишига олиб келмоқда. Аллергодерматозларни патогенезида аллергияга ирсий мойиллик муҳим роль ўйнайди. Касалликни сурункали, тез-тез қайталаниб кечиши, амалдаги профилактика ва даволаш усулларининг тўлиқ самара бермаслиги, унинг кечишини оғирлашиши замонавий тиббиётда аллергодерматозларни энг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунга боғлиқ равишда аллергодерматозларни ташхислаш ва сабабларини аниқлаш бўйича замонавий, юқори технологик усулларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аллергодерматоз билан касалланган беморларда ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга ошириш мақсадида “...ўзига хос хусусиятларга эга маълум бир касалликдан келиб чиққан ва алоҳида гуруҳга мансуб беморларни даврий тиббий скрининг текшируви...”<sup>2</sup> каби устувор бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада тери аллергик касалликларига чалинган беморларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий юқори технологик усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш каби тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

<sup>1</sup> <https://www.who.int/ru/news-rooms/fact-sheets/detail/infertility>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги 6110-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга дори қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисиغا 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Тери аллергия касалликларини ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар жаҳондаги етакчи тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: National Skin Centre, Singapore, Dept. of Dermatology (Сингапур), Temple University School of Medicine, Department of Dermatology, Philadelphia (АҚШ), Skin Research Center, Shahid Beheshti University of Medical Sciences., Dermatology, Tehran (Эрон), Faculty of Medicine-Fayoum University-Egypt, Dermatology (Миср), Institute of Dermatology, Bangkok (Таиланд), Diskapi Education and Research Hospital, Dermatology, Ankara (Туркия), University of Athens, Dermatology, Athens (Греция), Cairo University, Dermatology, Cairo (Миср), Russian National Research Medical University (Россия)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда аллергия дерматозларни ташхислаш, даволаш ва профилактикасини мукамаллаштириш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, аллергия касалликларнинг, айниқса уларнинг асоратли шакллари юқори даражада тарқалишини сабабларига ҳам ҳудуднинг географик-иклимий хусусиятлари, ҳам аҳоли генофондининг этник хусусиятлари кириши исботланган (National Skin Centre, Singapore, Dept. of Dermatology (Сингапур)); турли хил аллергия касалликларнинг (ринит, бронхиал астма, атопик дерматит) яққол вакиллари бўлган мультиомил касалликларнинг ривожланишида RANTES, TNF-альфа, GSTT1, GSTM1 ва CTLA4 генларининг бир қатор полиморф вариантлари ассоциацияланади (Temple University School of Medicine, Department of Dermatology, Philadelphia (США); 20 дан ортиқ тўлиқ геном скрининглари натижаларига кўра бронхиал астмани касалликка номзод генлар жойлашган

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: [www.Pubmed](http://www.Pubmed); [www.Hindawi](http://www.Hindawi); [www.BMJOpen](http://www.BMJOpen); [www.LibDex](http://www.LibDex) – Library Index; [www.The British Library](http://www.The British Library), сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

локуслар билан мос тушиши тасдиқланган (5q31.1-33,6p12-21.2,11q12-13,12q14-24.1,16p12.1-11.2, Xq28/Yq12) (Skin Research Center, Shahid Beheshti University of Medical Sciences., Dermatology, Tehran (Эрон)); бу жараёнларда яллиғланишни индукцияси ва қўллаб-қувватлашга жавобгар интерлейкин молекулаларининг роли исботланган (Faculty of Medicine-Fayoum University-Egypt, Dermatology (Миср)); бронхиал астмадаги яллиғланишда бош иштирокчи Ил-4 ҳисобланиб, В-лимфоцитларни иммуноглобулин Е ни ишлаб чиқаришга ўтказиб бериши ва бу цитокин Ил-4 генини кодлайди, атопик касалликларнинг полиморфизми ассоциацияси дунёдаги кўпгина популяцияларда кузатилган ва исботланган; (Institute of Dermatology, Bangkok (Таиланд)); астма ва атопияда юқоридаги медиаторларнинг генлари полиморфизмининг ассоциацияси борлиги исботланган (Diskapi Education and Research Hospital, Dermatology, Ankara (Туркия)); атопия ривожланишида ИЛ4 рецептори генининг Arg551 аллели роли исботланган (University of Athens, Dermatology, Athens (Греция)).

Дунёда аллергодерматозлар билан касалланган беморларда замонавий ташҳислаш, даволаш, олдина олиш усуллари такомиллаштириш ҳамда илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, аллергодерматоз ривожланишида патогенетик механизмларни ишлаб чиқиш; юзага келадиган ва хавф омилларнинг даражасини асослаш; клиник ва иммунно-генетик хусусиятларни аниқлаш; иммун ва цитокин ҳолатини баҳолаш; иммункоррегирловчи препаратларни қўллаш орқали аллергодерматозларни дифференциал даволаш усуллари такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларининг маълумотларига кўра ер юзидаги аҳолининг 25-33%и аллергик касалликлардан азият чекади. Аллергик касалликларнинг ўсиши бутун дунёда, биринчи навбатда ривожланган давлатларда қайд этилган. Аллергодерматозларнинг сонини ўсишига таъсир қиладиган омилларнинг йиғиндиси инсоният турмуш тарзидаги замонавий шарт-шароитлар пайдо бўлишидан келиб чиқади. Аллергик касалликларнинг ривожланишини иммунологик механизмлари тўғрисидаги адабиётлардаги кўп сонли маълумотлар бир-бирига қарама-қаршидир ва улар асосан атопик дерматитга бағишланган (Dawe R.S., 2013; Voguniewicz M.). Экземада регенератив жараёнларнинг сусайиши кўпинча терида пролифератив жараёнларни тўхтатиш қобилятига эга липидларнинг эркин радикал оксидланиш оралик маҳсулотларини тўпланиши билан боғлиқлигини кўрсатилган (Morar N., 2019). W. Cookson ва ҳаммуал. (2017) IgE учун юқори аффинли рецепторни р-суббирликда кодлашни амалга оширувчи ген борлигини маълум қилишди, ушбу ген 11q хромосомада жойлашган. Атопик дерматитга чалинган Хитой популяциясидаги 174 нафар болада филаггринни ноли мутацияси исботланган (G.K. Ching, K-L. Hon, P-C. Ng, T-F. Leung, 2017). Хориждаги олимларнинг илмий ишларида атопик дерматит

ривожланишининг иммунологик томонлари очилган (Birch K.E., 2012; Avgerinou G., 2017; Nakajima H., 2012; Routava S., 2019).

МДХ давлатлари ва хориждаги тиббий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, аллергик касалликларнинг этиологияси ва патогенези тафсилотларини очиш, бу жараёнлардаги яллиғланишнинг индукцияси ва кўллаб-қувватлашига жавобгар интерлейкинлар молекулаларини муҳим ролини тушунишга олиб келди. Демак, Кунгуров Н.В. маълумотларига кўра АЛда яллиғланишнинг бош иштирокчиси ИЛ-4 ҳисобланиб, В-лимфоцитларни Е иммуноглобулини ишлаб чиқаришга ўтказиб беради. Бу цитокин ИЛ-4 генини кодлайди, унинг полиморфизми ассоциацияси дунёнинг кўпгина популяцияларидаги тери аллергик касалликларида кузатилади. Кўп сонли тадқиқотлардаги маълумотлар организмнинг ксенобиотикларга, жумладан дори воситалар таъсирига индивидуал жавоб беришини аниқлайдиган асосий биокимёвий жараёнлардан бирига цитохром Р-450, оксилларнинг конъюгация ферментлари ва транспорт оксилларининг кўп сонли оиласининг иштирок этиши биотрансформация ҳисобланишини тасдиқлайди (Лазарашвили, Н.А., 2012; Селицкий Г.Д. ва ҳаммуаф., 2013). Бир қатор олимлар экземаларнинг патогенетик механизмлари орасидан липидлар алмашинувининг бузилиши, уларнинг эркин радикали оксидланишидан жараёнларнинг жадаллашиши ва лизосома гидролазаларининг фаоллашишини муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблашишади (Маркова О. Н., 2007; Мачарадзе Д.Ш., 2018). Ксенобиотиклар биотрансформацияси генлари тизимининг (СYP 1A1, СYP3A4, EPHX1, GSTM1 и GSTT1) учта полиморф вариантларини кўшилиб келишида касбий тери патологияси нисбатан эрта ривожланиши, оғир кечиши ва нохуш оқибатлари бўлиши билан ифодаланди (Л.П. Кузьмина, 2017).

Ўзбекистонда олимлар томонидан атопик дерматитнинг патогенезида яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши ИЛ-4, ИЛ-6, ИЛ-10 – цитокинларига баҳо беришган (Ш.З. Мавлянова, 2009, 2012). Атопик дерматитда сезиларли иммунологик бузилишларга Т-хужайраларнинг Th1 ва Th2 кичик синфларининг мувозанати бузилиши, IgE гиперпродукцияси фонида семиз хужайралар дегрануляцияси ва Лангерганс хужайраларининг антигенпрезентирланувчи фаоллигининг ошиши киради (Шодиев Х.К., Ибрагимов У.К., Шахобиддинов Т.Т., 1996, Хаитов К.Н., 2001). Бундан ташқари, бизнинг олимлар ўзбек миллатига мансуб атопик дерматитга чалинган беморлар ва соғлом шахсларда IL-4гени 590 С>Т полиморфизмининг клиник ва иммунологик текширув маълумотларига асосланиб (IL-4 ва IgEни) аниқлашган (К.Т. Бобоев, С.Р. Мўминова, 2012). Тўқима антигенига антигенни боғловчи лимфоцитларни аниқлаш усулида патологик жараёнга ички аъзоларнинг жалб этилганлиги, кўп аъзоларнинг зарарланиши аниқланди (М.А. Юлдашев, 2009). Туғилгандан сўнг ингичка ичакнинг структур-функционал тизими, иммун тизими такомиллашмаганлиги, индиген ва патоген ичак ҳамда тери микрофлораси вакиллариининг турлича иммуногенлиги ва морфогенлиги аниқланди (Ф.Х. Азизова, Х.Ю. Ахмедова,

М.А. Юлдашев, 2001; А.Ю. Юлдашев, З.А. Қаххоров ҳаммуал. 2006, Ш.З. Мавлянова, Д.А. Тешабоева, 2009, Н.А.Боймирзаев, 2010). Лекин, бу бузилишларнинг сабаби ҳалигача ноаниқ бўлиб қолмоқда, олинган маълумотлар нотўлиқ ва бир-бирига зид бўлиб чиқди, бу бузилишларни коррекция қилишга йўналтирилган терапия эса кам самарали бўлди. Ҳозирги кунда аллергодерматозларни ташхислаш муаммоси долзарб бўлиб турибди. Иммунологик кўрсаткичлар маълумотларини бир вақтнинг ўзида касалликнинг оғирлиги мезонлари сифатида шарҳлаб бўлмайди, шунинг учун уларни бошқа клиник-лаборатор текширувлар билан бирга комплекс олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Шунга боғлиқ равишда Ўзбекистоннинг иссиқ иқлими шароитида тери аллергик касалликлари ривожланиш механизмини ўрганиш, шунингдек организмнинг клиник-микробиологик, молекуляр-генетик кўрсаткичларини тадқиқ қилиш касалликнинг замонавий юқори технологик профилактика, ташхислаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқишга олиб келади. Шу нуқтаи назардан, аллергодерматоз билан чалинган беморларда ташхислаш усуллари ва ҳавф омиллари, даволаш тадқиқотларини ишлаб чиқиш замонавий тиббиётнинг амалий жиҳатдан энг муҳим ва долзарб муаммоси бўлиб хисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг ССВ-Ф-003 “Аллергодерматозлар билан хасталанган беморларда оппортунистик инфекциянинг шаклланишининг молекуляр-генетик ва биокимёвий механизмини тадқиқот қилиш ва Ўзбекистон табиий ресурсларидан фойдаланиш асосида янги даво услубларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳаси ва АДСС-15.19.3 “Аллергодерматозларнинг ривожланишида иммуногенетик, метаболик ва микробиологик маркерлари ва уларнинг ташхислаш ҳамда даволаш усулларини такомиллаштириш йўллари” мавзусидаги амалий илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** теридаги аллергик касалликларнинг ривожланиш механизмини молекуляр-генетик, иммунологик, биокимёвий ва микробиологик маркерларини ҳамда клиник кечишини баҳолаш, эрта ташхислашнинг янги технологик усулларини ишлаб чиқиш, даволаш ва профилактик чора-тадбирларини мукамаллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тери аллергик касалликларининг клиник кечиши ва ҳавф омиллари тарқалганлиги, хусусиятларини аниқлаш;

тери аллергик касалликларига чалинган беморларнинг терисидаги микробиотларнинг ҳолатини баҳолаш;

аллергик дерматозларга чалинган беморларда ксенобиотиклар биотрансформацияси ферментлари генларини биринчи ва иккинчи даврларда генотиплар полиморфизми ассоциациясини аниқлаш;

аллергик дерматозлар ривожланиши механизмида яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар ҳужайра реакциясини баҳолаш;

терисида турли аллергия касалликлари бор беморларда С-реактив оксигени ва умумий IgE ҳолатини баҳолаш;

аллергик дерматозларга чалинган беморларда ксенобиотиклар ферментлари генларини генотиплар полиморфизми ассоциациясини ва клиник шакллари ҳисобга олган ҳолда тери микробиомлари ҳолатларини аниқлаш;

молекуляр-генетик ва иммуно-микробиологик текширувлар асосида тери аллергия касалликларининг оғирлик даражасини эрта ташхислаш усулини ишлаб чиқиш;

олинган натижалар асосида аллергия дерматозларга чалинган беморларни ташхислаш, даволаш ва профилактикасида янги технологик усулларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** тери аллергия касалликларига чалинган 5 ёшдан 67 ёшгача бўлган ҳар иккала жинсга мансуб 432 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** периферик қон, қон зардоби, тери тангачалари намуналари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

молекуляр-генетик тадқиқотда терининг аллергия касалликлари ривожланиши механизмида глутатион S-трансфераза (GSTM1, GSTT1, GSTP1) гени полиморфизми ассоциацияси ноҳуш аллель вариантлари роли ва улар дерматознинг оғир шакллари ривожланишини юқори хавф омилли маркерлари ўрни исботланган;

терининг аллергия касалликлари сурункали кечиши ривожланиши механизмида биринчи марта шартли патоген микрофлоралар – *Staphylococcus* spp. (MRSA, MSSA, MRCoNS) генотипларининг аҳамияти исботланган;

TNF- $\alpha$  гени G/A rs1800630 гетерозигот генотиплари полиморфизми ассоциацияси поливалент сенсибилизация бўлган беморларда энг кўп ажралиши – 91,3% биринчи марта исботланган;

терисида аллергия касалликлари бор беморларнинг қон зардобида С-реактив оксигенининг юқори концентрацияси аниқланган, бу дерматоз кечишининг оғирлик даражасини исботланган;

*S. aureus*нинг метициллинга чидамли шакли аниқланган беморларнинг қон зардобида С-реактив оксигенининг концентрацияси кескин ошиб кетгани аниқланган, бу аллергия дерматозларга чалинган беморларда бактериал

инфекцияларнинг инвазив шакллари ривожланиши механизмидан исботланган;

аллергик дерматозларга чалинган беморларда GSTP1 гени генотиплари полиморфизми ассоциациясини таҳлилида функционал А/А генотиплари бўлган беморларда С-реактив оксиленинг миқдори 2,6 марта ошиши, нохуш А/Г ва G/G генотиплари бўлган беморларда эса СРО миқдори мос равишда 6 ва 5,5 марта ошиши ишончли мусбат корреляцион боғланиш исботланган;

терисида аллергия касалликлари бор беморларда GSTP1 ксенобиотиклар ферментлари гени генотиплари полиморфизми ассоциацияси ҳисобга олинган ҳолда тадқиқоти натижаларига илмий асосланган патогенетик даволаш усуллари ишлаб чиқилган, касалликнинг ремиссия даврининг узайтириши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

GSTP1 ксенобиотиклар ферментлари гени генотипларининг аллель вариантлари ҳисобга олинган ҳолда теридаги аллергия касалликларнинг оғир шакллари ривожланиш хавфини олдиндан билиш тадқиқот усули ишлаб чиқилган;

S-трансфераз (GSTP1) ксенобиотиклар ферментлари гени генотиплари полиморфизми ассоциациясини ҳисобга олган ҳолда теридаги аллергия касалликларни патогенетик даволаш усули ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда ўзида кремний сақловчи табиий ресурслари асосида, дерматологик чизғичдан фойдаланган ҳолда қадамма-қадам схема бўйича сиртки даволаш инновацион усули ишлаб чиқилган ва тадбиқ этилган дифференциаллашган даволаш усуллари асосланган бўлиб амалиётга тадбиқ этилиши орқали даволаш усуллари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар вақолатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти теридаги аллергия касалликлар патогенезида S-трансфераза ксенобиотиклар ферментлари генлари полиморфизми ассоциацияси, С-реактив оксиди ролининг аниқланиши дерматозларнинг оғир кечиши хавфини олдиндан тавсифланади ва Республикада чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратади. Олинган маълумотлар аллергодерматозларнинг ривожланиш хавфи мезонларини асослайди ва соғлиқни сақлаш амалиёти учун илмий тадқиқотларнинг такомиллашиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, аллергодерматоз билан касалланган беморларни олиб бориш ва даволаш учун ишлаб чиқилган

ва таклиф қилинган қадамма-қадам сиртки даволаш усули ёрдамида клиник ҳолатни барқарорлаштиришга, иммуногенетик кўрсаткичларига ижобий таъсир қилиб, касалликнинг ремиссия даврининг узайишига ва салбий оқибатларини олдини олишига, иктисодий сарф-харажатларни қисқартирилиши ва беморларнинг ҳаёт тарзи яхшиланиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тери аллергия касалликларини иммуногенетик, биохимик, микробиологик ташхисотининг маркерларини аниқлаш, касалликни даволаш, профилактика усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аллергия тери касалликларни даволашда “Фатидерм” дерматологик чизғичини қўллаш билан қадамма-қадам сиртки терапияни янги усулни тавсия этиш асосида ишлаб чиқилган “Аллергия дерматозларни даволашда инновацион дерматологик чизғич” номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 4 ноябрдаги 8н-з/400-сон маълумотномаси). Илмий натижаларининг жорий қилиниши сиртки даволашнинг ушбу усули теридаги патологик жараёни инфилтратсия даражаси, гиперемия ва жадал қичишишни камайишига олиб келган ҳамда уни сиртки намлантирувчи таянч даволаш сифатида тавсия этиш имконини берган;

тери аллергия касалликлари клиник кечишини эрта аниқлаш асосида “Тери аллергия касалликлари клиник кечишини аниқлаш усули” номли ихтирога патент тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 4 ноябрдаги 8н-з/400-сон). Аллергодерматозларнинг оғирлик даражасини эрта ташхислаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

аллергия дерматозларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий филиали, Республика тери-таносил касалликлари шифохонаси амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 12 апрелдаги 08-09597-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётига жорий этилиши ташхислашни такомиллаштириш, даволаш самарадорлигини 72,8% га ошириш, атопик дерматит бўлган беморларда SCORAD индексини 2,1 марта, аллергиядерматит бўлган беморларда эса СШДИни 4,3 марта сезиларли даражада камайиши, даволаш муддатини қисқартириши ҳисобига иктисодий самардорликни оширишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжумларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий

натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 11 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 237 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва талабгорлиги, тадқиқот мақсади, объекти ва предмети, тадқиқотнинг республикадаги фан ва технология ривожланишининг асосий устивор йўналиши билан ўзаро боғлиқлиги, илмий янгиликлар ва амалий натижалар келтирилиши, олинган тадқиқот натижалари ва уларни жорий қилинишининг назарий ва амалий аҳамиятини тушунтирилиши, диссертация натижалари, структураси ва ҳажмининг нашр қилиниши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Адабиётлар шарҳи**” учта кичик боблардан иборат бўлиб, биринчи кичик боби “Тери аллергия дерматозлари: эпидемиология ва клиник кўринишлари ҳақида умумий маълумотлар”да дерматоз ривожланишининг эпидемиологияси, этиологияси, патогенетик жиҳатлари, тери аллергия касалликларининг клиник кечиши тўғрисида сўнги 5-10 йилда ўзимизда ва хорижда нашр қилинган илмий адабиётларнинг шарҳлари келтирилган. Адабиётлар шарҳининг иккинчи кичик боби “Аллергия дерматозларнинг шаклланиш омиллари ва патогенетик жиҳатлари”да атопия патогенезининг молекуляр-генетик ва иммунологик асосларини ўрганиш бўйича адабиётлардаги маълумотлар таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳининг учинчи кичик боби “Тери аллергия дерматозларини даволаш ва профилактикасида замонавий концепция”да эса аллергиядерматозларни даволашда тизимли ва сиртқи таъсир қилиш усуллари тавсифланган. Бу кичик бобда тери аллергия касалликларини даволаш ва профилактикаси бўйича долзарб муаммоларнинг адабиётлардаги манбалари таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Тадқиқот материаллари ва усули**”да тадқиқот материаллари ва усуллари: клиник, иммунологик, молекуляр-генетик, биокимёвий, ва статистик усуллар кенг ёритилган.

Мақсадга эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун ёши 5 дан 67 гача бўлган аллергия дерматозларга чалинган 432 нафар бемор комплекс текширувдан ўтказилди. Эркаклар 203 нафарни (46,9%), аёллар 249 нафарни (57,6%) ташкил қилди. Улардан шаҳарда яшовчилар 254 нафар (58,8%), қишлоқда яшовчилар 178 нафарни (41,2%) ташкил қилди.

Илмий ишда қуйидаги тадқиқот усуллари қўлланилди:

- клиник тадқиқот усуллари – атопик дерматитни оғирлик даражасини SCORAD (Severity Scoring of Atopic Dermatitis) индекси бўйича ва клиник намоён бўлишини СШДИ (симптомлар шкаласининг дерматологик индекси) индекси бўйича аниқланди;

- молекуляр-генетик – текширилувчи намунани жорий вақт режимда полимераза занжир реакцияси ёрдамида  $\alpha$ -ЎНО, GSTT1, GSTM1 полиморфизмини генотиплаш;

- иммунологик – Арипова Т.У. ва ҳаммуал. усули бўйича цитокинларни аниқлаш (2005);

- ИФА текшируви – С-реактив оқсилни аниқлаш;

- терини микробиологик текшируви.

Тадқиқот давомида олинган натижаларга Pentium-IV шахсий компьютерининг Microsoft Office Excel-2010 дастури пакети ёрдамида статистик ишлов бердик. Ўрганилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадрат оғиши ( $\sigma$ ), ўртача стандарт хатолик (m), нисбий катталикларни (частота, %) ҳисобга олган ҳолда статистиканинг вариацион параметрик ва нопараметрик усулларида фойдаландик. Олинган ўлчовларнинг статистик қиймати меъёрида тақсимланиш (эксцесс мезони бўйича) ва генерал дисперсия тенглигини (F – Фишер мезони) текшириб, хатоликлар эҳтимоллигини ҳисоблаш (p) билан Стьюдент мезони (t) бўйича аниқладик.

Диссертациянинг учинчи боби “Ўзбекистоннинг бир қатор ҳудудларида тери аллергия касалликларининг клиник-микробиологик тавсифи”да Ўзбекистон Республикаси бўйлаб илмий командировкалар натижалари (2017-2020 йиллар) тақдим қилинган. Ўзбекистон Республикасининг бир қатор ҳудудларида тери аллергия касалликларининг тарқалиши, касалликнинг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда клиник кечишини хусусиятлари ўрганилган. Кўзғатувчи омилларга тавсиф берилиб, республиканинг иссиқ иқлими шароитида шартли патоген микроорганизмларни намоён бўлиши ўрганилган. 1 дан 78 ёшгача бўлган, турли хил тери касалликларига чалинган 1260 нафар бемор текширилган. Улар орасида эркаклар 485 нафар (38,5%), аёллар 775 нафарни (61,5%) ташкил қилган. Текширилган 1260 нафар дерматологик бемор орасидан 816 тасида тери аллергия касалликлари ташхисланиб, 64,7%ни ташкил қилди. Улар орасида эркаклар 366 нафар (44,8%), аёллар 450 нафарни (55,1%) ташкил қилди. Клиник шакли бўйича аллергодерматозлар аниқланган 816 нафар бемордан 318 тасида атопик дерматит аниқланиб, 38,9%ни ташкил қилди, аллергодерматитлар – 361 нафар (44,2%), эшакем – 74 та (9,1%) ва токсикодермия – 63 тани (7,7%) ташкил қилди.

Юртимиз ҳудудларини ҳисобга олган ҳолда Тошкент ш. ва Тошкент вилоятида 221 нафар текширилган беморлар орасидан 114 нафарида аллергодерматозлар аниқланди. Бу ҳолат Қорақалпоғистон Республикасида 112 та беморда (69,3%), Самарқанд вилоятида 98 та беморда (44,25%), Хоразм вилоятида 131 тасида (72,7%), Наманган вилоятида 134 та (66,6%), Бухоро вилоятида 96 та (59,3%) ҳамда Фарғона вилоятида 121 та беморда (72,9%) аниқланди.

Тери аллергия касалликлари ривожланишида кўзғатувчи омилларни ўрганишдан маълум бўлдики, 314 нафар (38,5%) беморлар касаллик

бошланишини алиментар омилларга, 200 нафар (24,5%) беморлар дори воситаларини қабул қилишига (асосан антибиотиклар – 83 та (41,5%) бемор, оғриқ қолдирувчи дори воситалари – 67 та (33,5%) беморлар, витаминлар олиш – 68 та (43,2%) бемор, 108 нафар (12,9%) бемор – асабга ва 52 нафар (6,4%) бемор – кимёвий омилларга боғлашган. Қолган 142 нафар (17,4%) беморларда эса кўзғатувчи омиллар идиопатик хусусиятга эга бўлган. Клиник тадқиқот таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг иссиқ иқлими шароитида тери аллергия касалликлари ўртача оғир даражаси энг кўп қайд қилинган (49,6%), оғир даражаси 30,3% ҳолатда, енгил даражаси 20,2% ҳолатда учраган.

Микробиологик текширув натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг иссиқ иқлими шароитида АлДга чалинган беморлар терисининг зарарланиш ўчоқларида *Mycrococcaceae – Staphylococcus spp.* оиласига кирувчи грамм+ хемоорганотроп факультатив-анаэроб бактерияларнинг аниқланиши 81,04%ни ташкил қилди.

Тури бўйича идентификация қилинганда энг кўп патоген шакл *S. Aureus* –46,8%, *S. Saprophyticus* – 27,7% ва *S. Haemolyticus* – 16,3% юқори колонизация бериб униб чиқди. Клиник шакли бўйича *Staphylococcus spp.* атопик дерматитга чалинган беморларда энг кўп – 73,7% ҳолатда, аллергиядерматитга чалинган беморларда эса 26,3% ҳолатда униб чиқди.

Клиник тадқиқот таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг иссиқ иқлими шароитида аллергия дерматозларга чалинган беморлар орасида энг кўп аллергиядерматитлар – 44,1% ва атопик дерматит – 38,9% қайд этилган. Ирсий омил энг кўп атопик дерматитга чалинган беморлар гуруҳида кузатилган бўлиб (83,9%), касаллик генетик-детерминирлашган хусусиятдалигини кўрсатди.

Тери аллергия дерматозларининг клиник шакллари – аллергиядерматит ва атопик дерматитнинг юқори частотада учрагани сабабли, организмни клиник-микробиологик, молекуляр-генетик ва иммунологик тадқиқ қилишни ҳисобга олган ҳолда бу дерматозларни патогенетик ривожланиш механизмини чуқурроқ ўрганишга асос бўлади.

Учта кичкина боблардан ташкил топган диссертациянинг тўртинчи боби **“Оғирлик даражаси ва *Staphylococcus spp.* генотипларини ҳисобга олган ҳолда аллергия дерматозларнинг клиник-микробиологик тавсифи”**нинг биринчи кичик бобида атопик дерматитнинг клиник кечиши тўлиқ ёритилган. Ушбу касалликка чалинган 238 нафар бемордан 78 тасида (32,7%) касалликнинг эритематоз-сквамоз шакли, 31 тасида (13,02%) экссудатив шакли, 57 тасида (23,9%) лихенификацияли эритематоз-сквамоз шакли, 34 тасида (14,3%) лихеноид ва 38 тасида (15,9%) пруритиноз шакллари ташхисланган.

Аллергиядерматитларга чалинган 194 нафар беморни клиник-лаборатор текширувдан ўтказганимизда қуйидаги клиник шаклларни аниқладик: моновалент сенсibiliзацияли аллергиядерматит 41 нафар беморда аниқланиб, 21,1%ни ташкил қилди, поливалент сенсibiliзацияли

аллергодерматит 153 нафар беморда аниқланиб, у 78,8%ни ташкил қилди. Моновалент сенсibiliзацияли аллергодерматит бир аллергенга юқори сезгирлиги билан ифодаланса, поливалентли сенсibiliзацияда ҳам озик-овқат, ҳам маиший хусусиятга эга бўлган бир қанча аллергенларга гиперсезгирлик кузатилади. Енгил даража 24 нафар (12,4%) беморда ташхисланган, ўрта даража 72 та (37,1%) беморда ва оғир даража 98 та (50,5%) беморда ташхисланган. Сенсibiliзацияни ҳисобга олган ҳолда моновалент сенсibiliзацияли аллергодерматитга чалинган беморлар гуруҳида СШДИ индекси бўйича енгил даража 15 нафар (36,6%) беморда, ўрта даража 17 та беморда (41,5%) ва оғир даража 9 та (21,9%) беморда ташхисланган.

Поливалент сенсibiliзацияли аллергодерматитга чалинган беморлар гуруҳида эса оғир даража 89 нафар (58,2%) беморда, ўрта даража 55 та беморда (35,9%) ва енгил даража 9 та (5,8%) беморда ташхисланган.

Теридаги зарарланиш ўчоқларида микробиологик текширув натижалари шуни кўрсатдики, 432 нафар бемордан 312 тасида *Mycrococcaceae - Staphylococcus spp.* оиласига мансуб грамм+ хемоорганотроп факультатив-анаэроб бактериялар униб чиқиб, бу 72,2% ҳолатни ташкил қилди. Ушбу 312 нафар бемор орасидан АлД га чалинганлари 82 тани (26,3%) ва АД га чалинганлар – 230 тани (73,7%) ташкил қилди. Аллергодерматозларга чалинган беморларда микроорганизмларни турига оидлиги бўйича энг кўп *S.aureus* – 50,6% ва *S. epidermidis* – 27,2%, кейинги ўринларда эса *S. haemolyticus* – 13,8%, *S. saprophyticus* ва *Enterobacter* – 3,8% униб чиқди.

Касалликнинг ривожланиш механизмида муҳим роллардан бирини тилларанг стафилококк – *S. Aureus* ўйнайди. Тадқиқотлардан аниқландики, АлДнинг хуружи ва уларнинг оғир кечишидаги бир қатор ҳолатларни *S. Aureus*ни теридаги колонизацияси, унинг ажратиб чиқарувчи токсинлари – суперантигенларни Т-лимфоцитлар ва макрофагларни поликлонал фаоллаштириши, яллиғланиш олди цитокинларини ишлаб чиқариши ҳамда иммун жавоб ривожланишини модуляциялаши билан тушунтирилади.

Шунга боғлиқ равишда теридаги аллергик касалликларни клиник кечишида стафилококкли флоранинг ролини баҳолаш учун биз аллергодерматозларга чалинган беморларнинг терисидан ажратиб олинган стафилококкларнинг геном комплексининг тусланишини молекуляр-генетик тадқиқотини ўтказдик.

*S. aureus*ни метициллингга сезгир ва метициллингга чидамли, *Staphylococcus spp.*ни коагулонегатив метициллингга чидамли ДНКларининг миқдорини биологик материалдан (тери аллергик касалликларига чалинган 312 нафар беморнинг зарарланиш ўчоқларидаги тери тангачаларидан) аниқлаш учун полимеразали занжир реакциясини (ПЗР) «АмплиСенс\* MRSA –скрин – титр - FL» гибридизацион-флуоресцент детекцияси билан бирга қўлладик.

Микробиологик ва генетик тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, аллергодерматозларга чалинган 312 нафар бемордан (137 таси АлД, 175 таси

АДга чалинган) 142 тасида *Staphylococcus* spp. генотиплари аниқланиб, у 45,5%ни ташкил қилди.

#### 1-жадвал

### Аллергодерматозларга чалинган беморлар биосубстратларидан ажратиб олинган *S. aureus* генотипларининг кўрсаткичлари

<b><i>S. aureus</i> культураси</b>	<b>MRSA</b>	<b>MSSA</b>	<b>MRCoNS</b>
Жами культурулар n=142	58	61	23
%	40,8	42,9	16,2

Жадвалдан кўришиб турибдики, метициллинга чидамли стафилококк (MRSA) 142 та ДНК намунасида 58 тасида аниқланиб, 40,8%ни ташкил қилди. Метициллинга сезгир стафилококк (MSSA) 61 нафар (42,9%) беморда, метициллинга чидамли коагулонегатив *Staphylococcus* spp. (MRCoNS) эса 23 нафар (16,2%) беморда аниқланди.

Дерматозларни клиник шакллари хисобга олган ҳолда молекуляр-генетик текширув натижалари қуйидагича таҳлил қилинди (2-жадвал).


#### 2-жадвал

### Клиник шакллари хисобга олган ҳолда аллергия дерматозларга чалинган беморларда *S. aureus* генотипларини аниқланиш кўрсаткичлари

<b>Нозология</b>	<b>MRSA</b>	<b>MSSA</b>	<b>MRCoNS</b>
АД n=86	41 (47,7%)	28 (33,5%)	17 (19,7%)
АлД n=56	17(30,4%)	33(58,9%)	6 (10,7%)

Жадвалдан кўришиб турибдики, клиник шакли хисобга олганда атопик дерматитларга чалинган беморлар гуруҳида MRSA 41 нафар (47,7%) бемордан, MSSA 28 нафар (33,5%) ва MRCoNS 17 нафар (19,7%) бемордан ажратиб олинган. Аллергодерматитларга чалинган беморлар гуруҳида эса биринчи ўринда метициллинга сезгир стафилококклар (MSSA) генотиплари энг кўп ажратиб олинган 33 (58,9%), кейинги ўринларда MRSA 16 (30,4%) ва MRCoNS 6 (10,7%) аниқланган.

Олинган натижалар аллергия дерматозларнинг оғирлик даражасига қараб ҳам таҳлил қилинган (1-расм).



**1-расм. Касалликнинг оғирлик даражасига қараб, SCORAD индекси бўйича *S. aureus* генотипларини аниқланиш кўрсаткичлари (%)**

Диаграммадан кўришиб турибдики, метициллинга чидамли стафилококк (MRSA) касалликнинг ўрта ва оғир даражасида кўп ажралган – мос равишда 34,6% ва 65,4%, метициллинга сезгир стафилококк (MSSA) касалликнинг ўрта даражасида – 39,1%, коагулазонегатив (коагулазоманфий) стафилококк (MRCoNS) эса касалликнинг оғир даражасида – 50% ва ўрта даражасида – 33,3% ажралган. MSSA ва MRCoNS бўлган беморларда теридаги патологик жараёнда яна лихенификацияли эритематоз-сквамоз, пруригиноз тошмалар ифодаланган. Аллергодерматитларга чалинган беморлар гуруҳида эса теридаги патологик жараён гиперемия фонида майда тугунчали тошмалар билан ифодаланди. Субъектив томондан беморларни даврий қичишиш безовта қилган.

Диссертациянинг бешинчи боби “Ўзбекистонда аллергия дерматозларнинг молекуляр-генетик жиҳатлари” иккита кичик боблардан ташкил топган бўлиб, биринчи кичик боби “Терисида аллергия касалликлари бор беморларда ксенобиотиклар биотрансформацияси ферментлари GSTM1 (1p13.3), GSTT1 (22q11.2) генларининг аллель вариантлари ва полиморфизмининг таҳлили”да аллергия дерматозларга чалинган беморларда GSTM1 ва GSTT1 генларини полиморфизмининг аниқланиш хусусиятлари ўрганилди.

АлДга чалинган беморларда ксенобиотиклар ферментлари генларининг полиморфизмини молекуляр-генетик тадқиқоти натижаларида GSTM1 ва GSTT1 полиморфизмини алоҳида делецион хусусиятларини аниқладик (3-жадвал).

**Беморлар ва назорат гуруҳидагиларнинг GSTM1 ва GSTT1 del/del  
генлари полиморфизмини аллеллари ва генотипларини тақсимланиш  
частотаси**

№	Гуруҳлар	Генотипларнинг тақсимланиш частотаси							
		GSTM1 «+»		GSTM1 (0/0)		GSTT1 «+»		GSTT1 (0/0)	
		*n	%	*n	%	*n	%	*n	%
1.	Асосий гуруҳ n=88	55	62,5	33	37,5	65	73,9	23	26,1
2.	Назорат гуруҳи n=72	46	64,0	26	36,1	54	75,0	18	25,5

n – текширилган беморлар сони;

\*n – тадқиқ қилинган хромосомалар сони

Жадвалдан кўришиб турибдики, асосий гуруҳдаги беморларда назорат гуруҳига солиштирганда (36,1%га қарши 37,5%) нофункционал GSTM1 (0/0) генотиби частотасини бир оз ошишга мойиллиги кузатилди. GSTM1 (0/0) делецион генотипини ташувчиларда АлД ривожланиш хавфи функционал GSTM1 «+» генотиби бўлган индивидларга солиштирганда 1,1 марта юқори бўлди (OR=1.1; 95%CI 0.55-2.02). Лекин АлДга чалинган беморлар ва назорат гуруҳидагилар орасида GSTM1 генининг ноль генотипларини тақсимланиши ҳисоби шуни кўрсатдики, фарқлардаги статистик аҳамият катта бўлмади ( $\chi^2=0.3$ ; P=0.1).

Текширилаётган гуруҳларда энг кенг тарқалгани GSTM1 (0/0) бўлди (37,5%). Назорат ва асосий беморлар гуруҳи орасида ушбу полиморфизмнинг аллеллар ва генотиплар частоталари бўйича фарқ йўқлигини ҳисобга олиб, генетик полиморфизм маълумотларининг ўзи мустақил терида аллергик касалликлар ривожланишига таъсир қилмайди деган фаразни илгари суришимиз мумкин. Демак, тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, аллергодерматозларга чалинган беморларда популяцион танлов билан солиштирганда биргаликда келган нолли генотипларнинг (GSTM1(0/0)+GSTT1(0/0)) юқори частотаси кузатилди (мос равишда 4,1% ва 6,8%). Олинган маълумотлар Ўзбекистонда GSTM1 ва GSTT1 ксенобиотиклар ферментлари генларининг кўшилиб келган нолли генотиплари бўлган шахсларда аллергодерматозларнинг оғир даражаси ривожланиши хавфига мойиллик борлигидан далолат беради.

Иккинчи кичик боб “Ўзбекистонда аллергодерматозлар ривожланишида GSTP1 гени Пе 105Val полиморфизми аҳамиятининг таҳлили”да ЎзР ССВ РИДВваКИАТМ клиника базасида кузатувдаги 7дан 64 ёшгача бўлган тери аллергик касалликларига чалинган 115 нафар беморда GSTP1 гени Пе 105Val полиморфизми ассоциацияси молекуляр-генетик тадқиқоти ўтказилди.

Улардан 53 таси аёллар ва 62 таси эркеклар бўлди. Аллергодерматозларнинг клиник шакллари бўйича 115 нафар бемордан 50 тасида (43,5%) атопик дерматит ва 65 тасида (56,5%) аллергик дерматит ташхиси қўйилди.

#### 4-жадвал

### Беморлар ва назорат гуруҳидаги GSTP1 Pe 105 Val гени полиморфизмининг аллеллари ва генотипларини учраш частотасидаги фарқлар

Аллеллар ва генотиплар	Текширилган аллеллар ва генотиплар сони		Статистик фарқлар
	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳи	
Аллель А	142	128	$\chi^2=32.52$ ; $P<0.002$ ; $OR=4.96$ ; 95% CI 2.77- 8.89
Аллель G	88	16	
Генотип A/A	43	57	$\chi^2=32.2$ ; $P<0.002$ ; $OR=0.16$ ; 95% CI 0.08- 0.31
Генотип A/G	56	14	$\chi^2=32.2$ ; $P<0.002$ ; $OR=3.93$ ; 95% CI 1.9- 7.83
Генотип G/G	16	1	$\chi^2=32.1$ ; $P<0.002$ ; $OR=11.47$ ; 95% CI 1.49- 88.53

Ушбу полиморфизмининг генотиплари частотасини тақсимланиш таҳлилида ҳам умумий танловда асосий ва назорат гуруҳи орасидаги ишончли фарқ аниқланди ( $P<0,05$ ). “Функционал нохуш” генотиплар ассоциациясининг ошганлиги кузатилди, яъни A/G – 48,7% ва G/G – 13,9% бўлган. Имкониятлар коэффицентининг ўзаро нисбатларига мувофиқ полиморфизм бўлганида асосий гуруҳда АлДнинг ривожланиш хавфи A/G ( $OR=3.93$ ; 95% CI 1.97-7.83) ва G/G ( $OR=11.5$ ; 95% CI 1.49- 88.53) бўлиб, соғлом назорат гуруҳига солиштирганда 2,5 ва 16 баравар юқори бўлди. Тадқиқот гуруҳларидаги бундай кўрсаткичлар статистик жиҳатдан ишончли хусусиятга эга бўлди ( $\chi^2=6.8$ ;  $P<0.05$ ;  $\chi^2=8.0$ ;  $P<0.05$ ).

Олинган натижаларнинг таҳлилидан маълум бўлдики, беморлар ва назорат гуруҳида GSTP1Pe 105 Val гени полиморфизмининг ҳамма генотипларини тақсимланиши популяциянинг генетик структурасини ўзгартиришга қодир тизимли ёки тасодифий омилларнинг таъсири йўқлигидан далолат берадиган ХВМга мос келади. Ушбу маркернинг генетик структурасини ўрганишда назорат гуруҳига нисбатан асосий беморлар гуруҳида кутиладиган гетерозиготаликнинг анча юқори даражаси аниқланди (мос равишда 47,2% ва 19,7%). Иккала гуруҳда D кўрсаткичи 0 дан чапда, яъни манфий бўлди ( $D<0$ ). Аниқланган далил ҳисоблаб чиқилган ҳақиқатдаги

гетерозиготалар эмас, балки кутиладиган гетерозиготаларнинг нисбатан юқори бўлишидан далолат берди.

Ушбу полиморфизм генотиплари частоталарининг тақсимланиши яна умумий танловдаги асосий ва солиштирма гуруҳ орасидаги ишончли фарқни аниқлаб берди ( $P < 0,05$ ). Аллергик дерматозлар ривожланиши билан “функционал нохуш” A/G ( $\chi^2 = 6.9; P < 0.05; OR = 2.6; 95\% CI 1.264-5.382$ ) ва G/G ( $\chi^2 = 8.0; P < 0.05; OR = 11.2; 95\% CI 1.421- 88.43$ ) генотиплар ассоциацияси аниқланди.

Шундай қилиб, GSTP1Pe 105 Val гени полиморфизмининг аллель G ва гетеро/гомозигот генотиплари Ўзбекистонда тери аллергик касалликлари ривожланишининг сезиларли юқори хавф маркерлари ҳисобланишади ( $P < 0,05$ ). Аллель A ва функционал ижобий A/A генотипи патология ривожланишига нисбатан ишончли протектив маркерлар ҳисобланишади ( $\chi^2 = 16.5; P < 0.05; OR = 0.2; 95\% CI 0.1186-0.4868$ ). Ушбу тадқиқот бўйича “Тери аллергик касалликларининг клиник кечишини прогнозлаш усули” IAP 06442 ихтиросига патент олинган.

Учинчи кичик боб “Аллергик дерматозлар ривожланишида TNF- $\alpha$  гени полиморф вариантлари ролининг таҳлили”да 100 нафар бемордаги аллергодерматозлар шаклланишида TNF- $\alpha$  гени 308G>A (rs1800630)нинг молекуляр-генетик тадқиқоти натижалари ёритилган.

#### 5-жадвал

#### Атопик дерматитга чалинган беморлар ва назорат гуруҳидагиларда TNF- $\alpha$ гени (rs1800630) 308G>A полиморфизмининг аллеллари ва генотипларини тақсимланиш частотаси

Гуруҳ	Аллеллар частотаси				Генотипларнинг тақсимланиш частотаси					
	G		A		G/G		G/A		A/A	
	n	%	N	%	n	%	n	%	n	%
Асосий беморлар гуруҳи n=100* (200 **)	177	88,5	23	11,5*	77	77	23	23,0*	-	0,0
Назорат гуруҳи n=79* (158**)	150	94,9	8	5,06	71	89,8	8	10,1	-	0

Изоҳ: n\*- тадқиқ қилинган шахслар ва генотиплар сони;

n\*\* - тадқиқ қилинган аллеллар сони

Жадвалдан кўришиб турибдики, АлДга чалинган 100 нафар беморда 200 та ДНК намуналаридан TNF- $\alpha$  гени 308G>A полиморфизмининг аллеллари ва генотипларини тақсимланиш частотаси солиштирма таҳлилида 88,5% ҳолатда меъёрдаги аллеллар борлиги ва 11,5% ҳолатда мутант А аллели борлиги аниқланди. Назорат гуруҳида эса TNF- $\alpha$  гени 308G>A мутант

аллелининг учраш частотаси 5,06% ни ташкил қилиб, асосий гуруҳга солиштирганда 2,3 баравар кам бўлди ( $P < 0,05$ ).

TNF- $\alpha$  гени 308G>A функционал G/G генотипларининг полиморфизми ассоциацияси асосий гуруҳда 77% ҳолатда, назорат гуруҳида эса 89,8% ҳолатда учраб, аллергодерматозларга чалинган беморлар гуруҳидаги кўрсаткичлардан 1,2 баравар юқори бўлди. TNF- $\alpha$  гени 308G>A гетерозигот G/A вариантынинг ассоциацияси беморларда 23%, назорат гуруҳида эса 11% ҳолатда аниқланди. Имкониятлар ўзаро нисбати коэффициентига мувофиқ A/G полиморфизми бўлганида ( $\chi^2=5.11$   $P < 0.08$ ; OR=2.65; 95%CI 1.11-6.31) асосий гуруҳда АлДнинг ривожланиш хавфи назорат соғлом гуруҳи кўрсаткичларига қараганда 2,3 баравар ошди.

TNF- $\alpha$  гени 308G>A нофункционал гомозигот A/A генотипининг полиморфизми ассоциацияси бизнинг тадқиқотимиздаги иккала гуруҳда кузатилмади.

6-жадвал

**АД ва АлДга чалинган беморлар гуруҳида TNF- $\alpha$  гени 308G>A rs1800630 полиморфизмининг аллеллари ва генотипларини тақсимланиш частотаси**

№	Гуруҳ	Аллеллар частотаси				Генотипларнинг тақсимланиш частотаси					
		G		A		G/G		G/A		A/A	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1.	АлДга чалинган беморлар n=46 (92)	82	89,1*	10	10,8*	36	78,3*	10	21,7*	-	-
2	АлДга чалинган беморлар n=54 (98)	85	86,7	13	13,3*	41	75,9*	13	24,1*	-	-
3	Назорат гуруҳи n=79 (158)	150	94,9	8	5,06	71	89,8	8	10,1	-	0

n – текширилган беморлар сони;


\*n – тадқиқ қилинган хромосомалар сони;

- - назорат гуруҳига нисбатан ишончлилик кўрсаткичи ( $P < 0,05$ )

Жадвалдан кўришиб турибдики, АлДга чалинган беморлар гуруҳида аллель G вариантынинг аниқланиши 89,1% (82/92), нофункционал аллель A варианты эса – 10,8%ни (10/92) ташкил қилди ( $\chi^2=2.93$ ;  $P < 0.09$ ; OR=2.29; 95%CI 0.87- 6.02). АлДга чалинган беморлар гуруҳида эса аллель G 13,3% ҳолатда (13/98) аниқланиб, АД гуруҳидаги кўрсаткичдан 1,1 марта юқори

бўлди ва статистик жиҳатдан ишончли хусусиятга эга бўлди ( $\chi^2=4.29$ ;  $P<0.04$ ;  $OR=2.57$ ; 95%CI 1.03- 6.42). Бу гуруҳда аллель А 86,7% ҳолатда (85/98) аниқланди.

Аллергодерматитга чалинган беморлар гуруҳида сенсбилизация хусусиятига қараб TNF- $\alpha$  гени 308G>А полиморфизми ассоциациясининг аниқланишини ўрганишда қизиқарли маълумотлар олинди.



**2-расм. Сенсбилизацияга боғлиқ равишда аллергодерматитга чалинган беморларда TNF- $\alpha$  гени rs1800630 генотиплари полиморфизми ассоциациясининг аниқланиш хусусияти (абс)**

Расмдаги диаграммадан кўриниб турибдики, TNF- $\alpha$  гени rs1800630 функционал G/G генотиплари полиморфизми ассоциацияси моновалент сенсбилизацияли беморларнинг 27 нафарида ажралиб, 65,8%ни ташкил қилди. Поливалент сенсбилизацияли беморлар гуруҳида эса ушбу кўрсаткич мос равишда 34,1%ни (14) ташкил қилди.


TNF- $\alpha$  гени rs1800630 гетерозигот G/A генотипларининг ассоциацияси энг кўп поливалент сенсбилизацияли беморларда ажралди – 91,3% (23 нафар бемордан 21 тасида). Моновалент сенсбилизацияли беморларда эса 8,7% ҳолатда (23 тадан 2 та) ажралди.

Аллергик дерматозларнинг ҳар бир клиник шаклида TNF- $\alpha$  гени 308G>А rs1800630ни молекуляр-генетик тадқиқотининг таҳлилида ген генотипларини полиморфизми ассоциацияси кўрсаткичларида сезиларсиз фарқлар аниқланди. Демак, АДга чалинган беморлар гуруҳида функционал G/G генотиплар ассоциацияси 79,3% ҳолатларда (36/46) ( $\chi^2=3.18$ ;  $P<0.2$ ;  $OR=0.41$ ; 95%CI 0.15-1.12), гетерозигот G/A генотиплари эса 21,7% ҳолатларда (10/46) аниқланди ( $\chi^2=3.18$   $P<0.2$ ;  $OR=2.47$ ; 95%CI 0.90-6.79).

TNF- $\alpha$  гени билан стафилококklar генотипланишини аниқланиш таҳлилларини солиштирганда TNF- $\alpha$  гени rs1800630G/A нохуш аллель

